

ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.

Муллабаева Н.М.

Ўзбекистон Миллий Университети

Инсоннинг психологик хавфсизлиги hozirgi kunga kelib eng dolzarb muammolardan biriga aylanib qoldi. Inson faoliyatining turli jabxalarida albatта психологик хавфсизлик масалаларига alohida ehtiбор karatib kelinmoqda. Inson haet faoliyatining turli-tumanligi jamiyat va davlat uchun хавфсизлик билдан boqlik kupaб muammolarni vujudga keltirmoqda.

Хавфсизлик muammosi bilan boqlik mavjud ma'lumotlarning barchasi tasnifiy xarakterga egadir. Jumladan, zamonaviy izohli lugatlarda insonning haet faoliyati bilan boqlik bulgan 46 ta yunaliш keltirilgan bulib, bu yunaliшlarning barчасига nisbatan хавфсизлик тушунчаси ва хавфсизлик билан boqlik muammolarga ishора qilingan. Bunday yunaliшlarning mavjudligi хавфсизликни ta'minlash masalasida juda ehtiборли bulishni талаб qiladi, oziq-ovqat mahsulotlaridagi хавфсизлик, energetika sohasidagi хавфсизлик, aholining salomatligi buyicha хавфсизлик, transport vositalaridagi хавфсизлик va б.

Biroq mazkur хавфсизлик yunaliшlari nafaqat ijobiy natijalarni keltirib chiqarishi, balki shu bilan birga salbiy oqibatlarга ham olib keliши mumkin. Хавфсизлик masalasini urganishda yahlit endashuv muhim ahamiyatга egadir. Zera, хавфсизлик тушунчасини tor doirada taxlil qiliш ularni notugri talqin qiliшга va natijada tuzatib bulmas hatolarga yul kuyiliшига sharoit yaratishi mumkin.

A.Yu.Chmihalovning хulosalariga kura хавфсизлик muammosini urganish va хавфсизлик тушунчасига tulik baho beriш хали ham davom etmoqda [95]. Психологик хавфсизлик masalasiga keladigan bulsak, u asosiy хавфсизлик kurinishlari sifatida rasman ehtirof etilmagan.

G.Yu.Fomenkoning fikriga kura психологик хавфсизлик тушунчасини falсафий, ilmiy, психологик va amaliy pozitsiyalardan ajratilgan holatда yangi fan sohasi sifatida urganish kerak.

Shaxs хавфсизлиги muammosi zamonaviy fan doirasida turli jihatdan urganishni талаб qiladigan jaraenlardan hisoblanadi. Jumladan, kurquv tuygusi qar doim jamiyat tarixida utiш (eki barbod bulish) davri sifatida keltirib utilgan, biroq uning turli-tuman kurinishlari shu paitga qadar tasniflanmagan.

Duneda sodir булаetgan uzgariшlar juda katta «qor kuchisi»га uxshab

шиддат билан ҳаракат қилиб бормоқда. Бундай вазиятда инсон ўзини бевосита бифуркатиya (икки томонга ажралиш) жараёнига тушиб қолгандек ҳис қилади. У ўзини муаллақ қолгандек ҳис қилиб, худди таянчини йўқотгандек бўлади, бошқача айтганда, ноаниқ вазиятларга тушиб қолади. Бу ҳолатлар эса кўрқувнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Ижтимоий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи «Мен кўрқаяпман!» деган иборага айланиб қолади. [93].

Доимий таҳдидлар остида яшаш ҳам аксарият инсонларда кўрқув, душманлик, ҳаммадан шубҳаланиш, кўполлик, меҳрсизликдан бошқа ҳолатларни келтириб чиқармайди ва булар албатта бeфapқлик (апатия) кўринишларида намоён бўлади.

Э.Тоффлернинг «Келажак олдидаги қарахтлик» китобида инсониятни шундай психологик ҳолат қамраб оладики, у ўз таъсирига кўра касалланиш ҳолатлари билан тенглаштирилади. Бу касалликнинг ўз номи мавжуд футурошок - келажак олдидаги қарахтлик. Инсоният табиий захиралар тугаши, атом энергияси ва бошқаларни назоратдан чиқиши оқибатида нобуд бўлмасдан, балки психологик зўриқишларга чидай олмасдан нобуд бўлиш эҳтимоли мавжуд. Футурошок реаллик ҳиссини бирданига йўқотиш, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслик, келажакнинг яқинлиги оқибатида пайдо бўлиши мумкин [92].

Америкалик социолог С.Хантингтон томонидан илгари сурилган концепцияга кўра инсониятнинг муаммоси фақат ўзгаришларга мослашишдан иборат эмас. У маданиятни, психологик кадриятларни сақлаб қолишдан иборатдир.

Психология соҳасидаги хавфсизлик муаммоларига жуда яқин вақтлардан катта эътибор берилди бошланди (И.А. Баева, 2002, 2012, 2015; И.А. Баева, Е.В. Бурмистрова, 2006; М.Г. Гераськина, 2007; Г.В. Грачев, 2003; Т.С. Кабаченко, 2000; М.А. Котик, 1989; Е.Б. Лактионова, 2006; ва бошқалар). Педагогик психологияда янги йўналиш – таълим муҳити хавфсизлиги психологияси шаклланди (И.А.Баева, Э.Б.Лактионова).

Бола шахси таълимнинг асосий кадрияти сифатида эътироф этилганлиги сабабли, таълим ташкилотидagi психологик хавфсизлик унинг самарали ижтимоийлашувининг муҳим омили бўлиб, боланинг яшаш муҳитининг мажбурий таркибий қисми сифатида ўрганилиши керак (Ю.Н. Егорова, Е.В.Конькина, Н.А. Николаева).

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, психологик хавфсиз таълим муҳитини шакллантириш муаммосини ҳал қилиш мактаб ўқувчиси ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган муносабатлар ва боланинг

шахсий ривожланиши учун шароит яратишга имкон беради (Д.Х. Гурьева, П.А. Кисляков).

Хавфсизлик психологиясининг умумий тушунчалари хавф-хатар (таваккал) ва инсон фаолияти учун хавfli бўлган вазиятлар концепциясидан келиб чиқади. Бу йўналиш бўйича, яъни хавfli хулқ-атвор позицияси нуқтаи назардан И.А.Баева, М.М.Безруких, Е.В.Змановский, В.В.Коврова, Т.А.Крилова, В.Р.Петросянц, С.В.Феоскитова ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган. И.А.Баева таълим тизимидаги психологик хавфсизлик концепциясини таҳлил қилган бўлиб, у қуйидаги интеграл кўрсаткичларни аниқлаган: атроф-муҳитдаги муносабатлардан қониқиш, зўравонликдан ҳимояланиш, таълим тизимидаги референтлик.

Таълим тизимидаги психологик хавфсизлик масалалари субъектив фаолият натижасида пайдо бўлади ва бунда инсоннинг ўзи хавфсизлик муаммоларини ҳал этувчи сифатида таҳлил қилинади (Б.А.Еремеев). Кўпгина тадқиқотчиларнинг таҳлилида субъект-субъект муносабатларида таълим жараёнидаги психологик хавфсизлик самарадорлиги шартланган бўлиши ҳақида фикр юритилган (И.А.Баева, Е.Н.Волкова, П.А.Кисляков, Е.Б.Лактионова, Э.Э.Симанюк) [17; 34; 35;]. Ўз навбатида психологик хавфсизлик муаммолари майдонида оптимал психологик шарт-шароитларни таъминлаш мақсадга мувофиқдир. «Шахс-жамият-давлат» муштараклигида хавфсизлик масалалари тизимли воқелик сифатида талқин қилиниши керак ва биринчи навбатда миллий хавфсизлик ва унинг уч даражаси талқин қилиниши зарур: шахс хавфсизлиги, жамият хавфсизлиги ва давлат хавфсизлиги.

Шубҳасиз, психологик хавфсизлик масалалари талқинида кундалик ҳаётда тез-тез учрамайдиган омиллар ҳам инобатга олинади ҳамда деструктив ва конструктив ёндашувлар негизида ижобийлик ва салбийлик тушунчалари таҳлил қилинади.

Психологик хавфсизликнинг мураккаб табиатига нисбатан тизимли ёндашувни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Айнан ана шу тизимли таҳлил асосида тугунги кунда хавфсизлик психологиясига катта эътибор қаратилмоқда (А.В.Брушлинский ва В.Е.Лепский, 1996).

Психологик хавфсизлик муаммолари талқин қилинганда Г.Ю.Фоменко янги психология йўналиши сифатида киритишни таклиф қилган ва бунда шахс психологияси асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур, деган ғояни киритган. Шахс – асосий категориялардан бири бўлиб, у субъектнинг асоси, вазиятларнинг бошланғичи сифатида психологик хавфсизликка дахлдордир. Шахснинг психологик хавфсизлиги ҳақида гап кетганда кўпгина

муаммоларнинг таҳлилини осонлаштириш имконияти очилади. Бироқ бу муаммоларнинг фақат шахс доирасида таҳлил қилиниши ҳам жамиятнинг шахсга таъсири тушунчаларидан йироқлаштиради. Шу сабабли ҳам албатта шахс хавфсизлигида жамиятнинг ўрни ҳақида ҳам сўз юритиш ўринли бўлиб ҳисобланади. Психологик хавфсизлик билан боғлиқ қандай муаммо таҳлил қилинмасин, бир томондан инсон фаолият объекти сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан, жамоа, ташкилот, муҳит таъсири остида унинг қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш мумкиндир.

Хулоса қилиб айтганда, хавфсизлик психологияси бўйича санаб ўтилган ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, хавфсизлик масаласи жамият учун энг муҳим бўлган масалалардан ҳисобланади. Психологик хавфсизлик масалалари албатта буллинг муаммолари билан чамбарчас боғлиқдир. Буллинг феномени ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири сифатида талқин қилинади. Буллинг тушунчаси ҳозирги жамият учун нисбатан янги тушунчалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Егорова М.С. Адаптация Короткого опросника Темной триады / М.С. Егорова, О.В. Паршикова, М.А. Ситникова // Психологические исследования. 2015. Т. 8, № 43. URL: <http://psystudy.ru/index.php/num/2015v8n43/1181-egorova43.html> (дата обращения: 23.04.2017).
2. Петросянц В.Р. Психологические характеристики старшеклассников, участников буллинга в образовательной среде, и их жизнестойкость / В.Р. Петросянц. – СПб., 2011. – 210 с.
3. Arora С.М. J. Measuring bullying with the life in School checklist / С.М. J. Arora // Patoral Care in Education. – 1994. – V. 12. – P.11.